



ТАРИХ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР ФАНИНИНГ МАЗМУН- МОҲИЯТИ

ЖИЗЗАХ 2013





Жиззах давлат педагогика институти

Тарих факультети

**Умумий тарих кафедраси
ўқитувчиси Ақчаев Фаррух**




РЕЖА

Тарих ўқитишда инновацион технологиялар
фанини ўқитишнинг мақсад ва вазифалари

Таълимда инновацион ва технологик
ёндашувнинг мазмун-моҳияти

Таълим-тарбия самарадорлигини
оширишнинг долзарб муаммолари

Тарих фани ўқитувчисининг
инновацион фаолияти




«Энг янги замонавий ўқув воситалари билан таъминланган таълим муассасаларида эскидан қолган ўқитиш усулларининг давом этишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди».

И.Каримов

*Педагогик технология
ўзи нима?*

*Сиз у ҳақида нимани
биласиз?*



АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАРНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

Педагогик технология — бу муайян лойиҳа асосида ташкил этиладиган, аниқ мақсадга йўналтирилган ҳамда ушбу мақсаднинг натижаланишини кафолатловчи педагогик фаолият жараёнининг мазмунидир.

Ўқитиш технологияси — ўқув машғулотининг ҳар бир босқичини алоҳида-алоҳида лойиҳалаш, кутиладиган натижаларни олдиндан аниқлаштириш, ҳар босқичда қўлланиладиган шакл, метод ва воситаларини оқилона танлаб олиш, профессор-ўқитувчи ва талабанинг вазифаларини ойдинлаштириш қаратилган алгоритмик кетма-кетлик.

Тарбия технологияси — тарбия натижаларига асосланиб, тарбиянинг мақсад ва вазифаларини ойдинлаштириш, тарбия жараёнининг ҳар бир босқичини алоҳида-алоҳида лойиҳалаш, тарбиянинг шакл, метод ва воситаларини аниқ белгилаб олишга қаратилган тизимли жараён.

Педагогик технология таърифлари

ЮНЕСКО таърифи

Педагогик технология – таълим моделларини оптималлаштириш мақсадида, инсон ва техника ресурслари ва уларнинг ўзаро таъсирини ҳисобга олган ҳолда, бутун ўқитиш ва билимларнинг ўзлаштириш жараёнини яратиш, қўллаш ҳамда аниқлашнинг тизимли методи.

Б.Т.Лихачев таърифи

Педагогик технология – ўқитишнинг, таълимнинг шакллари, методлари, усуллари, йўллари, тарбиявий воситаларнинг махсус йиғиндиси ва жойлашувини белгиловчи психологик тартиблар мажмуаси. У педагогик жараённинг ташкилий, услубий воситаларидан иборат.

В.М. Монахов таърифи

Педагогик технология – ўқув жараёнининг ўқувчилар ва ўқитувчи учун сўзсиз қулай шароитлар таъминлашни лойиҳалаш, ташкил қилиш ва ўтказиш бўйича ҳамма деталлари ўйлаб чиқилган биргаликдаги педагогик фаолият модели.

ТЕХНОЛОГИЯ

БИРОР ИШДА,
МАҲОРАТДА,
САНЪАТДА
ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН
УСУЛЛАР ВА
ЙЎЛЛАР
ЙИВИНДИСИ

ИШЛОВ БЕРИШ,
АҲВОЛНИ
ЎЗГАРТИРИШ
САНЪАТИ,
МАҲОРАТИ,
ҚОБИЛИЯТЛАР
ВА МЕТОДЛАР
ЙИВИНДИСИ



ИННОВАЦИЯ




Инновация (инглизча инноватион)-янгилик киритиш, янгилик демакдир.
Инновацион технологиялар педагогик жараён ҳамда ўқитувчи ва талаба фаолиятига янгилик, ўзгаришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда асосан интерфаол услубларидан фойдаланилади.

ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ

Педагогнинг ютуқларига
кафолат берадиган,
аниқ ишлаб
чиқилган ва илмий
лойиҳалаштирилган
босқичма босқич
амалга ошириладиган
педагогик
ҳаракатлар тизими

Педагогиканинг
санъат, маҳорат
даражасидаги
соҳасини
ўрганувчи фан

Педагогнинг ютуқларига
кафолат берадиган,
педагогик
жараёни амалиётда
режали ва бир
маромда тадбиқ
этиш тизими



Педагогик технология турлари

КЛАССИК МАЪРУЗА;

ТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИ
ЁРДАМИДА ЎҚИТИШ

Дарслик бўйича
ўқитиш;

Кичик гуруҳлар тизими

Муаммоли,
изланишли

Ўйинли технологиялар

Дастурлаштирилган
(масофали таълим
модуллари);
Интерфаол методлар



Педагогик технологиянинг мезонлари

Маълум илмий
асосга,
концепцияга
таяниш;

Тизимлилик,
ўқув-тарбия жараёни
ва унинг таркибий
қисмларининг ўзаро
манتيқий боғлиқлиги.

Самарадорлиги,
таълим стандартларига
эришишни кафолатлаши,
талаб қилинадиган вақт,
куч ва воситаларнинг
меъёр даражасида
эканлиги.

Бошқалар томонидан
қайта амалга ошириш
мумкинлиги.

Технологик тизимнинг асосий
белгиси аввалдан мақсад,
кутилган натижага эришишни,
сифатни кафолатлайди.

Педагогик технологиянинг мақсад ва вазифалари

Педагогик технология таълим –тарбия жараёни сифатида иштирокчиларнинг фаолиятлари орқали амалга оширилади.

Бу жараённинг пировард мақсади баркамол инсонни шакллантириш ва ривожлантириш бўлиб, қуйидагилардан таркиб топади:

-таълим -тарбия бериш;

-ахборотларни авлоддан-авлодга узатиш;

-мустақил фикрлашга ўргатиш;

-билим, кўникма, малакаларни ўргатиш ва ўзлаштирилишига эришиш;

-турли методикаларни қўллаш ва такомиллаштириш;

-мониторинг олиб бориш;

-таълим-тарбия жараёнида инсонпарварлик, халқпарварлик, мафкуравий тамойилларга асосланиш;

-ўқувчиларнинг тайёргарлик даражасини, психологик-физиологик, ёш хусусиятларини ҳисобга олиш.;

**Педагогик
технологияларни
қўллаш доираси**



Ҳар бир фаннинг давлат таълим стандартлари, ўқув режалари, дастурлари асосида фаннинг мақсад ва вазифаларига мос бўлган педагогик технологиялар ва интерфаол методларни қўллаш тавсия этилади. Бу жараёнда асосан ўқитувчи, ўқувчи ва таълим воситалари иштирок этади.




Таълим воситалари олтита турга бўлинади:


- 1. Матнли воситалар;
- 2. Тасвирли воситалар;
- 3. Аудио визуал воситалар;
- 4. Ёрдамчи (жиҳоз) воситалар;
- 5. Моделли воситалар;
- 6. Реал воситалар.



ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯНИНГ ТАРКИБИ



Таълим технологияси (изоҳ беринг)



***Педагогик технология
жараёни
иширокчиларининг
фаолият турлари***



т/ р	Асосий тушунча	Педагогик технология	Методика
1	Таъриф лар	Педагогик технология — инсонга олдиндан белгиланган мақсад бўйича таълимий ва тарбиявий таъсир ўтказиш фаолияти	Методика — маълум ўқув фанини ўқитиш ҳамда тарбиявий ишлар қонуниятларини тадқиқ қилади
2	Мақсад	Комил инсонни шакллантириш	Алоҳида ўқув фанларини ўқитиш ва тарбиявий ишларнинг сифатли бўлишини таъминлаш
3	Қўллаш миқёси	Барча таълим-тарбия жараёнида	Хусусий фанларни ўқитишда ҳамда тарбиявий ишларда
4	Восита лар	Барча таълимий ва тарбиявий воситалар, хусусий методикалар	Алоҳида ўқув фанларини ўқитишда ҳамда тарбиявий ишларда қўлланиладиган воситалар
5	Педагогик жараён	Таълим-тарбия технологияси асосида, таълим менежменти ва маркетинг асосида, таълим-тарбия соҳасидаги илғор тажрибаларни умумлаштирувчи лойиҳалар асосида ривожланиб боради.	Таълим-тарбия методикаси ижодкор ўқитувчиларнинг илғор тажрибаларига, таяниб ривожланади. Хусусий тажрибалар асосида бойитиб борилади. Педагогик технологиянинг таркибий қисми ҳисобланади ҳар бир педагогнинг натижаси ҳар -хил бўлади.
6	Натижа кафолати	Олдиндан белгиланган мақсадга эришиш кафолати бор.	Олдиндан белгиланган мақсадга ҳар бир ўқитувчи ўз имкониятларига мувофиқ турли даражада эришади. Шу сабабли талаб даражасидаги натижа кафолатланмайди. Асосан ижодкор ўқитувчи яхши натижаларга эришади
7	Келиб чиқиши	Хусусий методикаларнинг ривожланиши натижасида келиб чиққан.	Таълим тарбиянинг турли хусусий масалаларини ҳал қилиш зарурати натижасида келиб чиққан



Инновацион технологиялар ва методлардан намуналар

- «Бумеранг» технологияси
- “Идрок харитаси” методи
- «Зинама -зина» технологияси
- «Муаммо» технологияси
- «Лойиҳалаш» технологияси
- «Дебатлар» технологияси
- «Чархпалак» технологияси
- «Икки қисмли кундалик» методи
- «Кластер» методи
- «Инсерт» технологияси
- «Муаммоли вазият» технологияси
- «Хулосалаш» (Резюме) технологияси
- «ЎҚУВ ЦИКЛИ» технологияси
- “Ассесмент” технологияси

Педагогик технологияларда Интерфаол методлар



- Интерфаол метод – таълим жараёнида ўқувчилар ҳамда ўқитувчи ўртасидаги фаолликни ошириш орқали ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштиришини фаоллаштириш, шахсий сифатларини ривожлантиришга хизмат қилади.
- “Интерактив” (интерфаол)-инглизча сўз бўлиб, “interact”- “inter”-бу ўзаро, “act”-бу “ҳаракат қилмоқ” маъносини англатади.
- Умумлаштирганда эса “Интерактив” (интерфаол) – “ўзаро ҳаракат қилмоқ” маъносини англатади.
- Интерфаол таълим бу:
- ▲ доимий мулоқотга асосланган методлар тизими;
- ▲ биргаликдаги ўқиш ва фаол иштирок этишдир.

Интерфаол таълимнинг асосий мезонлари:

1. норасмий баҳс-мунозаралар ўтказиш,
2. ўқув материални эркин баён этиш ва ифодалаш имконияти,
3. маърузалар сони камлиги,
4. ўқувчилар ташаббус кўрсатишларига имкониятлар яратилиши,
5. кичик гуруҳ, катта гуруҳ, синф жамоаси бўлиб ишлаш учун топшириқлар бериш,
6. Ўз-ўзини таҳлил қилиш ва баҳолаш

ГАЛЕРЕЯ" МЕТОДИ

- **1-боскич. Масалани қўйиш.** Ўқитувчи ҳар бир гуруҳга маълум муаммо ёки масалани беради.
- **2-боскич. ҳар бир гуруҳ ўз масаласи устида ишлаш.** Масалалар устида ишлаш кичик гуруҳларда амалга оширилади (одатда 5-10 минут).
- **3-боскич. Кичик гуруҳлар қўшни гуруҳлар масаласи ечимини охиригача етказишга ўтиш.** ҳар бир кичик гуруҳ ўз ғояларини ёзган катта варақни олмасдан доира бўйлаб силжийди. Вариант сифатида гуруҳ силжиши ўрнига доира бўйлаб ишланган ғоялар ёзилган катта варақни узатиш мумкин.
- **4-боскич. қўшни масаласи ечимини охиригача етказиш.** ҳар бир кичик гуруҳ вараққа ёзилган қўшни гуруҳ ғояларини ўрганади; савол белгиси билан рози бўлмаганларни белгилайди; қўшни масаласи ечими бўйича ўз ғояларини ёзади. 5 минутдан кейин гуруҳлар доира бўйлаб кейинги кичик гуруҳга ўтиб, яна жойлари билан алмашади. Силжишлар сони кичик гуруҳлар (қўйилган масалалар) сонига тенг.
- **5-боскич. Ўз масаласига қайтиш.** Масаладан масалага доира бўйича ўтишлар ҳар бир кичик гуруҳ ўзининг дастлабки масаласига қайтиш билан тугалланади.
- **6-боскич. Тақдимот ва иш натижалари муҳокамаси.** ҳар бир гуруҳ навбат билан ўзларининг қоғоз варақларида йиғилган натажалар ғояларни тушунтириш ва шарҳлар билан тақдим этади. Бошқа гуруҳлар улар тақдимот қилаётган гуруҳ варағига ёзган ғояларини тушунтирадилар ва шарҳлайдилар. Зарур ҳолларда ғоялар умумий гуруҳда муҳокама қилиниши мумкин.



“Тушунчалар таҳлили” методи

♦ **Услубнинг моҳияти.** Ушбу услуб ўтилган (чорак, семестр, ёки ўқув йили тугагач) ўқув предмети ёки бўлимнинг барча мавзуларини ўқувчилар томонидан ёдга олиш, бирор мавзу бўйича ўқитувчи томонидан берилган тушунчаларга мустақил равишда изоҳ беришга, шу орқали ўз билимларини текшириб баҳолашга имконият яратиш ва ўқитувчи томонидан қисқа вақт ичида барча ўқувчиларни баҳолай олишга йўналтирилган.

♦ **Услубнинг мақсади.** Ўқувчиларни машғулотда ўтилган мавзунини эгаллаганлик ва мавзу бўйича таянч тушунчаларни ўзлаштириб олинганлик даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда эркин баён эта олиш, ўзларининг билим даражаларини баҳолаш, яққа ва гуруҳда ишлаш, гуруҳдошлари фикрини ҳурмат қилишга ва ўз билимларини тизимга солишга ўргатади.

♦ **Услубнинг қўлланиши.** Ўқув машғулотларининг барча турлаида, дарснинг бошланишида, дарс охирида, бир бўлим тугаганда ўтилган мавзунини ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш учун, ўқувчиларни жорий ва оралик, якуний баҳолаш учун ишлатилади. Янги мавзунини бошлашдан олдин ўқувчиларнинг мавжуд билимларини текшириб олишга мўлжалланган. Ушбу услубни машғулотнинг айрим босқичларида яққа, кичик гуруҳда ёки жамоа шаклида ташкил этиш мумкин. Шунингдек уйга вазифа сифатида ҳам фойдаланиш мумкин.

♦ **Машғулотда фойдаланиладиган воситалар.** Тарқатма материаллар, таянч тушунчалар рўйхати, қалам, ручка, слайд.

Изоҳ: режа бўйича белгиланган мавзу асосида ҳамда ўқитувчининг қўйган мақсади (текшириш, мустаҳкамлаш, баҳолаш)га мос равишда тайёрланган тарқатма материалларгуруҳ ўқувчилари ёки гуруҳлар сонига қараб мўлжалланиши керак.

♦ **Машғулотни ўтказиш тартиби.**

▶ ўқувчилар гуруҳларга ажаратилади.

▶ ўқувчилар машғулотни ўтказишга қўйилган талаб ва қоидалар билан таништирилади.

▶ тарқатма материаллар гуруҳ аъзоларига тарқатилади.

▶ ўқувчилар яққа тартибда тарқатма материалда берилган тушунчалар билан танишиб, уларнинг изоҳини ёзадилар.

▶ белгиланган вақт тугагач, ўқитувчи тарқатма материалда берилган тушунчаларни ўқийди иштирокчилар жавобларини эшитади ва экранда слайд орқали тўғри жавобни эълон қилиб боради.

▶ ҳар бир ўқувчи ўз жавоби билан тўғри жавоб ўртасидаги фарқларни аниқлайди, тўғри жавобларини белгилайди, ўз –ўзини текширади, баҳолайди.

“Идрок харитаси” (Концептуал харита) методи

“Идрок харитаси” (Концептуал харита) адабиётда турли номлар билан учрайди: “Идрок харитаси”, “Концептуал харита”, “Картография концепцияси”, “Интеллект-харита” - фикрларни тақдим қилиш ва боғлаш усули бўлиб, у ўқувчиларда тасаввур қилиш ва фикрларни тизимлаштириш, ўтганилаётган мавзудаги бош ғоялар ёки асосий тушунчаларни, бирламчи тушунчаларни изоҳлашга ёрдам берувчи иккиламчи ва учламчи ғоялар ёки тушунчаларни ажратиш кўникма ва малакаларини шакллантиришга қаратилган.

Таклиф этилаётган усул янги билим ва ахборотларни конспектлаштиришнинг стандарт чизмасини ишлашга хизмат қилади ва дарснинг узундан узоқ конспектини ёзиш юкидан халос этади.

Харитани тузиш ўқувчига:

- асосий, иккиламчи, учламчи (ва ҳ.к.) шохчалар (чизиклар) ларни ишлатиш ҳисобидан иерархик тартибда мавзунинг асосий **ғояларни структуралашга**;
- равшан ва рангли образлар орқали **ғояни кучайтиришга**;
- улар орасидаги **боғлиқликни намоёни этишга**;
- ранг, шрифт размери, бўрттириш ва ҳ.к.лар билан **концепцияларни ажратишга**;
- махсус белгилар ёрдамида **ғояларни баҳолаш ва изоҳлашга** имкон беради.

“МУАММОЛИ ВАЗИЯТ” МЕТОДИ

“Муаммоли вазият” методи таълим олувчиларда муаммоли вазиятларнинг сабабини ва оқибатларини таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ечимларини топиш бўйича кўникма ва малакаларни шакллантиришга қаратилган метод.

“Муаммоли вазият” методининг таркибий тузилиши қуйидагича:

Муаммоли вазият тавсифини келтириш

Ўқувчиларни гуруҳларга бўлиш

Гуруҳлар муаммоли вазиятнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаши

Гуруҳларнинг муаммоли вазиятни оқибатлари тўғрисидаги фикрларини жамланиш босқичи

Гуруҳларни муаммоли вазиятни ечимини ишлаб чиқиш босқичи

Тўғри ечимларни танлаш босқичи



ЎҚУВ ЦИКЛИ технологияси

Бу технология ҳар бир машғулот якунида уни мустаҳкамлаш учун қўлланилади.

Ўқув цикли босқичлари:

1. **1. Машғулот ўтказилади.**
2. **2. Машғулот юзасидан иштирокчиларнинг ҳис-туйғулари, кечинмалари аниқланади:**
 - Машғулот сизга ёқдими? Нима учун?
 - Машғулот вақтида ўзингизни қандай ҳис қилдингиз?
 - Қийналдингизми? Нимадан?
3. **3. Бўлиб ўтган жараёнда нималарни кўрддингиз, изоҳланг.**
 - Нималар бўлди?
 - Нималарни кўрддингиз ва аниқладингиз?
4. **4. Таҳлил**
 - Гуруҳда ҳамма иштирокчилар ўртасида боғланиш бўлдимиди?
 - Натижага нима олиб келдимиди?
 - Лидер ва пассив иштирокчилар бўлдимиди?
5. **5. Умумлаштириш**
 - Машқнинг мазмуни нимада эди.
 - Қандай йўллар билан гуруҳдаги ўзаро тушунишни янадаяхшилаш мумкин?
6. **6. Амалиётга қўллаш ва истиқболи**
 - Ушбу ҳолатни ўз дарсларнида қўллай оласизми?
 - Ушбу машқдан қандай хулоса чиқардингиз?

Машғулот
ўтказилади

ҳис-
туйғулари,
кечинмалар
и
аниқланади

Бўлиб ўтган
жараёнда
нималарни
кўрдингиз,
изоҳланг

ТАҲЛИЛ

Умумлаш-
тириш

Амалиётга
қўллаш ва
истикболи

Ўқув цикли



“Ассесмент” -технологияси.

- “Ассесмент” – бу марказ, шахсга нисбатан ўз-ўзини баҳолаш технологияси ҳисобланади.
- “Ассесмент” - англ. assessment «баҳолаш»
Мақсади – ўқувчиларнинг билимини бир неча хил ёндашувлар орқали баҳолаш, таҳлил қилиш, синаб кўришдан ва ўз-ўзини баҳолашга имконият беришдан иборатдир.

“Ассесмент” технологияси.

ТЕСТ

Савол :

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонунининг нечанчи моддасида таълим турлари акс эттирилган?

A) 7- моддасида C) 12-моддасида.

B) 10-моддасида. D) 16-моддасида.

МУАММОЛИ ВАЗИЯТ

Ўқувчи берган саволга сизда аниқ жавоб йўқ, вазиятдан чиқиш учун қандай йўл тутган бўлардингиз?

Ж:Ўқувчининг ўзидан ва бошқа ўқувчиларнинг фикрларини ўрганардим, кейинги дарсда аниқ жавобни айтишни билдиардим.

СИМСавол:ПТОМ(ташқи белгиси)

Умумий ўрта таълим давлат стандартларининг таркибий қисмларини санаб беринг?

Ж; Умумий ўрта таълим давлат стандартларининг таркибий қисмлари тўртта бўлиб, улар: 1) Билим, кўникма ва малакалар мажмуаси, 2) Таянч ўқув режа, 3) Ўқув дастурлари, 4) Баҳолаш тизими

АМАЛИЙ КЎНИКМА

Сиз ўқув жараёнида қандай методлардан фойдаланасиз ?

Ж: Кичик маъруза, ақлий ҳужум, тақдимот, ўқув суҳбати, баҳс-муназара, муаммоли ўқитиш, савол-жавоб

ТЕСТ

Савол :

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонунининг нечанчи моддасида таълим турлари акс эттирилган?

A) 7- моддасида C) 12-моддасида.
B) 10-моддасида. Д) 16-моддасида.

СИМПТОМ (ташқи белгиси)

Савол:

Умумий ўрта таълим давлат стандартларининг таркибий қисмларини санаб беринг?

Ж:

МУАММОЛИ ВАЗИЯТ

Ўқувчи берган саволга сизда аниқ жавоб йўқ, вазиятдан чиқиш учун қандай йўл тутган бўлардингиз?

Ж:

АМАЛИЙ КЎНИКМА

Сиз ўқув жараёнида қандай методлардан фойдаланмоқдасиз ?

Ж:

ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ МОНИТОРИНГИ

I - босқич	Ўрганиш	Эсда сақлаш
II - босқич	Тушунтириб бериш	Ўрганганини айта билиш, исботлаш
III - босқич	Татбиқ эта олиш	Қоида қонунни билиб олиб, ундан фойдаланиш
IV - босқич	Таҳлил эта билиш	Қиёслаш, таққослаш, бир- бирига боғлаш
V – босқич	синтез	Ахборотни ижодий қайта ишлай олиш
VI - босқич	Баҳо олиш	Кейинги билимни олишга қадам

Педагогик технологияларни амалда қўллаш бўйича олиб борилаётган тажриба, тадқиқот ишлари ва кутилаётган натижалар

- Педагогик технологияларни амалда қўллаш бўйича олиб борилаётган тажриба, тадқиқот ишлари Республикамиздаги 28 та умумий ўрта таълим мактабларида амалга оширилади.
- Бунда тажриба-тадқиқот жараёнини илмий-методик жихатдан кузатиш ва педагогик технологияларни такомиллаштириш ишлари;
- тажриба-тадқиқот жараёнига масъуллар ва экспериментатор ўқитувчилар учун ҳар йилда икки маротаба илмий-амалий ўқув-семинарлар ташкил этиш;
- экспериментатор ўқитувчи ва илмий маслаҳатчиларнинг ҳисоботларини таҳлил қилиш ва якуний хулосалар тайёрлаш вазифалари амалга оширилади.

Педагогик технологияларни амалда қўллаш бўйича олиб борилаётган тажриба-синов майдончалари ҳақида

- Илғор педагогик технологиялар бўйича тажриба-тадқиқот майдонлари этиб белгиланган мактабларда тажриба-синов ишлари қуйидаги босқичларда амалга оширилади:
- Мослаштирув босқичи - 2010-2011 ўқув йилининг II-IV чораклари;
- Фаол босқич: 2011-2012 ўқув йили;
- Якунловчи босқич: 2012-2013 ўқув йили

Педагогик технологияларни амалда қўллаш бўйича олиб борилаётган тажриба-синов майдончалари ҳақида

- “Таълим технологиялари”,
- “Таълим муаммолари”
- “Халқ таълими”,
- “Бошланғич таълим”,
- “Мактаб ва ҳаёт”,
- “Таълим ва тарбия” журналларида,
- “Маърифат” газетасида узвийлаштирилган Давлат таълим стандартлари шарҳлари ва ўқув дастурларини амалиётга сифатли жорий этиш, таълим сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган педагогик технологияларни тизимга келтириш ва амалиётга кенг жорий этиш бўйича амалий тавсиялар мунтазам бериб борилмоқда.

№	Вилоят	Туман	мактаб
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	Хўжайли, Нукус шаҳри	60 4
2	Андижон	Қўргонтепа Андижон шаҳри	1 30
3	Бухоро	Бухоро шаҳри Ромитон	22 1
4	Жиззах	Жиззах шаҳри Жиззах тумани	22 17
5	Наманган	Учқўрғон Наманган шаҳри	1 7
6	Навоий	Навоий шаҳри Зарафшон	11 12
7	Самарқанд	Самарқан шаҳри Самарқанд тумани	64 2
8	Сирдарё	Боёвут тумани Сирдарё шаҳри	1 1
9	Сурхондарё	Шеробод Сариосиё	17 9
10	Тошкент вилояти	Қибрай Бекобод	1 6
11	Тошкент шаҳри	Ҳамза Учтепа	69 203
12	Фарғона	Фарғона ш Охунбабаев	10 45
13	Хоразм	Урганч шаҳри Гурлан	1 5
14	Қашқадарё	Қарши ш Шаҳрисабз	9 88

Хулоса

- ❖ Педагогик технология лойиҳаси бир киши ёки бирор ижодий гуруҳ томонидан ишлаб чиқилади, ундан барча ўқитувчилар фойдалана оладилар
- ❖ Ўқувчи - мустақил мутоала қилишга ўргатилади.
- ❖ Ўқувчи - билимларни манбаалардан мустақил ола билишга, фикрлай олиш, мустақил позицияда тура олишга ўргатилади
- ❖ Барча ўқувчилар олган билимлари асосида кўникма ва малакаларга эга бўлишларига эришилади.
- ❖ Амалий ва назарий билимлар уйғунлаштирилади, ўқувчининг ўзлаштириш имкониятилари кенгаяди.

Хулоса

- ❖ Педагогик технология лойиҳаси бир киши ёки бирор ижодий гуруҳ томонидан ишлаб чиқилади, ундан барча ўқитувчилар фойдалана оладилар
- ❖ Ўқувчи - мустақил мутоала қилишга ўргатилади.
- ❖ Ўқувчи - билимларни манбаалардан мустақил ола билишга, фикрлай олиш, мустақил позицияда тура олишга ўргатилади
- ❖ Барча ўқувчилар олган билимлари асосида кўникма ва малакаларга эга бўлишларига эришилади.
- ❖ Амалий ва назарий билимлар уйғунлаштирилади, ўқувчининг ўзлаштириш имкониятилари кенгаяди.



Эътиборингиз учун раҳмат!

